

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-51409-3.21**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар  
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги  
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчи:** доц. Примов М.

**Такризчилар:** проф. Куронов М.,  
доц. Бабашев Ф.

"Педагогик маҳорат" фани бўйича ушбу дастурда педагогик маҳоратнинг долзарб муаммолари қамраб олинган бўлиб, айниқса иқтисодчи-педагогларни шакллантириш имкониятларига асосий эътибор қаратилган.

Дастурда педагогик маҳорат қонуниятлари, замонавий усуллари, ривожланиш тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятлари атрафлича ёритилган.

В этой программе по предмету "Педагогическое мастерство" определены основные направления педагогического мастерства в образовании.

В программе раскрыты принципы педагогического мастерства, современные методы педагогического мастерства и его особенности.

In this programme in a subject "The education skill" were defined main direction of educational skill in the formation.

In programme are opened the principles of pedagogical skill, modern methods of pedagogical craftsmanship and its particularly.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

### **Ўқув фани ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида иқтисодчи-педагогларни тайёрлаш учун педагогик маҳорат фанини ўрганиш бениҳоят зарурдир. Чунки ҳар қандай касбни эгаллаш учун унинг сирларини мукамал эгалламоқ, ҳам мутахассисларни тарбиялаш ва шакллантириш усуллари ўрганмоқ керак.

Педагогик маҳорат фанида педагогик фаолият моҳияти, унинг энг қулай, самарали усул ва воситалари мажмуи жамланган. Фани ўрганишнинг асосий мақсади талабаларни молиячи-педагог касбини моҳирлик билан эгаллашига эришишдир.

## **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар**

Молиячи-педагог касбининг моҳиятини, табиатини ҳамда функцияларини яхши билиш. Педагогик маҳорат сирларини эгаллаш.

Педагогик маҳорат фанини самарали ўрганиш учун талабалар философия, психология, социология, иқтисодиёт назарияси, молия, кредит, бухгалтерия ҳисобига алоқадор бўлган фанларни мукамал ўрганмоқлари ҳамда улар асосида педагогик маҳорат усулиқасини кенг миқёсда эгалламоқлари керак.

### **Семинар машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Педагогик маҳорат фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда педагогика, психология ҳамда молиявий фанлар дастурларидан, "Интернет" тармоғидаги информацион банклардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш, фаннинг замонавий муаммоларини ўз ичига олган мавзулар асосида рефератлар тайёрлаш ва ҳоказолар назарда тутилган.

### **Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар**

Намунавий ўқув режасида мазкур курсга 90 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 30 соати маъруза, 30 соати семинар машғулотларидан, 30 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида бакалаврлар педагогик маҳорат соҳасидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

### **Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

"Педагогик маҳорат" фанидан бакалаврлар билимини назорат қилиш икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ ўтказилади. Якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади.

### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

Дарсларда "Педагогик маҳорат" фани бўйича кўргазмали ўқув қўлланмалари, тест намуналари, педагогик маҳоратга доир чет мамлакатларда чоп этилган илмий-усулик ахборотлардан фойдаланиш режалаштирилган.

### **Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

"Касб таълими" йўналишида "Педагогик маҳорат" фани намунавий ўқув режаси бўйича 7-семестрда ўқитилади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Педагогик маҳоратнинг предмети ва усуллари. Педагогик маҳорат фанининг предмети**

Педагогик маҳоратни вужудга келтирувчи омиллар. Мутахассислик фанини билиш. Ўқитиш усуллари-тушунтириш, сўраш усулларида хабардор бўлиш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил қилиш. Тарбия усуллари билиш. Педагогик таъсир усуллари, жамоа билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш усуллари билиш.

Педагогика, психология ва нотиклик санъати-педагогик маҳоратнинг назарий асослари сифатида.

*Педагогик маҳоратда умумий ва махсус усуллар.*

Педагогик маҳорат фанининг иктисодчи-педагогларда мутахассислик малакасини шакллантиришдаги ўрни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида педагоглар маҳоратига қўйилган талаблар.

### **Педагогик маҳорат тарихи**

Педагогик маҳоратнинг Шарқдаги ва Ғарбдаги йўналишлари. Аҳмад Югнакий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро таълимотида устозлик маҳорати тўғрисидаги қарашлар.

Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн-Сино, Амир Темур ва темурийлар даврида баркамол инсонни шакллантиришда устозлик маҳорати тўғрисидаги қарашлар.

XIX аср охири XX аср бошларидаги жадидлар ҳаракати намоёндаларининг таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари.

*Ғарб педагогларининг педагогик маҳорат тўғрисидаги қарашлари.*

XX аср Ғарбий Европа, Америка педагоглари М. В. Кавен, Б. Блум, Ф. С. Келлерларнинг педагогик маҳорат фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари.

Ўзбекистон педагогларининг педагогик маҳорат фани равақидаги ўрни. Мустақил Ўзбекистонда ўзбек педагогик маҳорат мактабининг шаклланиши.

### **Педагогик маҳоратнинг психологик ва педагогик асослари**

Педагогик маҳорат ва ўқитувчи психологик тайёргарлигининг боғлиқлиги.

Билиш жараёнлари ва олий нерв фаолияти. Педагогик фаолиятда олий нерв фаолиятининг қонуниятлари. Ўзаро индукция қонуни, агарда бош миyanинг бирор қисмида қўзғалиш содир бўлса, унинг бошқа қисмида тормозланиш рўй бериши.

Ўзаро индукция қонунини тушунтиришда шартли рефлекслар. Дастлабки нерв кўзғалишининг бош мия ярим шарлари пўстлоғида тарқалиши. Қайта такрорланишларда эса дефференциал тормозланиш содир бўлиши: шартли рефлекс дифференциаллашуви. Бош мия ярим шарларининг бир қисми кўзғалиш ҳолатида бўлганда унинг бошқа қисмларида салбий индукция таъсирида тормозланиш жараёнининг содир бўлиши.

Иррадиация ва ўзаро индукция таъсирида нерв жараёнларида кўзғалиш ва тормозланишнинг алмашинуви.

*Педагогик маҳоратда диққат ва ўзаро индукция қонуни.* Материални ўзлаштиришда ўқувчи диққатини жалб эта олиш. Диққатнинг жалб этилмаслиги ўқувчи онгида тормозланишга олиб келиши.

Динамик стереотип қонуни. Бош миянинг бирор қисмида тез-тез, доимий кўзғалишлар ҳосил бўлганда унинг бошқа қисмларида худди шундай доимий тормозланиш ўчоқларининг ҳосил бўлиши-кўзғалиш ва тормозланиш ўчоқларининг барқарор тақсимланиши рўй бериши.

Агарда ўқувчи бирор-бир предмет билан доимо, мунтазам шуғулланса, унда бош миянинг муайян қисмларида барқарор боғланишлар, доимий тайёргарлик, енгил кўзғалувчанликнинг содир бўлиши.

Аксинча жараён. Агарда ўқувчи бирор-бир предмет билан доимо шуғулланмаса, унда бош миянинг ушбу қисмларида тормозланиш ўчоқлари ҳосил бўлиши, ўқувчининг қолоқлашуви, билимлар, тасаввур этиш, қизиқиш ва хотира тезкорлигининг пасайиши.

Динамик стереотипни ўзгартиришнинг ўта мураккаблиги. Уни ўзгартиришда ирода, қатъиятлилиқ, мақсад, бартараф эта олиш қобилияти, кўплаб машқлар бажариш, доимий куч сарфлаш зарурлиги.

*Ёшликда динамик стереотипнинг нисбатан енгил ҳосил бўлиши ва ўзгариши, катта ёшда ўзгаришнинг оғир кечиши, жуда кўп куч сарф этиш талаб этилиши.*

### **Ўқувчилар билиш фаолиятининг баъзи бир жиҳатлари**

Ўқувчиларнинг ўрганишфаолиятидаги қайта такрорланувчи, репродуктив билиш. Назарий материални ўзлаштириш ва топшириқларни ечиш, олинган билимларни амалиётда белгиланган намунада ёки хатти-ҳаракатлар алгоритми асосида қўллаш.

*Ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолияти.* Назарий материални ўзлаштириш жараёни ва мустақил изланиш, олдиндан кўра билиш ва прогноз қилиш элементлари асосида амалиётда билимларни қўллаш бўйича топшириқларни ечиш.

Ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятига мос ҳолда икки турдаги ахборотлар: репродуктив ва прогноз ахборотлари.

Репродуктив ахборот-ўқувчи томонидан тайёр ҳолда ўзлаштириладиган ахборотлар сифатида. Келиб тушаётган ахборотнинг ўқувчи онгида қайд этилиши ва уни нутқ амалиётида қайтариш.

Прогноз ахборотлари-ўқувчи томонидан ўқув материаллари келиб тушгунга қадар яратиладиган ахборотлар сифатида. Бунда ўқувчининг ушбу билимларни яратиши, уни ишлаб чиқиш йўллари онгида ва ўз ташқи нутқида қайд этиши, сўнгра ўз билимларини аниқлаштириб бўлгач, бу билимларининг тўғрилигини эталон намуна билан таққослаши.

*Прогноз коэффициентини.* Бутун ахборот тайёр ҳолда ўзлаштирилганда прогноз коэффициентининг нолга яқинлашуви, ахборотнинг ярмини изланишлар асосида тингловчилар яратишганда прогноз коэффициентининг 50% ни ташил этиши ва ошиб бориши қонунияти.

Материални олдиндан яратиш босқичлари: тавсифлаш, тушунтириш, қоидаларни келтириб чиқариш ва уларни амалиётда қўллаш тартиби, ғояларни ифодалаш, уларни маъно ва мазмун жиҳатидан тартибга солиш.

### **Педагогик маҳоратда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қобилиятларини ҳисобга олиш ва уларга индивидуал ёндашиш**

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари тўғрисидаги Аристотель, Я. А. Коменский, Ж. Ж. Руссо, А. Дистервег, К. Д. Ушинский таснифлари.

*Педагогик жараёнларнинг ёш жиҳатидан замонавий таснифи.*

Кичик мактаб ёши, ўсмирлик ва ёшликнинг биринчи даврларининг умумий тавсифи ва ривожланишдаги психологик-педагогик устиворликлар.

### **Педагогнинг профессионал позицияси ва шахсий фазилатлари**

Педагогнинг профессионал позицияси-ўз касбининг мақсадини англашдан келиб чиқадиган ҳулқ-атвор сифатида. Профессионал позиция турлари:

Биринчи позиция - масофавий: "узоқ", "яқин", "бирга".

Иккинчи позиция - мавқе даражасига кўра: устун қўйиш, қуйи тутиш, ҳамкорлик.

Учинчи позиция-фаолиятда эгаллаган ўрнига кўра: "олдинда", "орқада", "биргаликда".

Педагогга қўйиладиган талаблар: ишчанлик сифатлари, шахсий сифатлар, педагогик маҳорат.

*Ишчанлик сифатлари.* Ишда мақсадга интилиш, ташкиллашганлик, талабчанлик, конкретлилик, ишчанлик, мунтазамлилик, қатъиятлилик.

*Шахсий сифатлари.* Фуқаролик позицияси, ахлоқий софлиги, принципиаллик, ёшларни ва педагогик фаолиятни севиш, педагогик маром (такт), педагогик кўтаринкилик, ишга ижодий ёндашиш.

Педагогик маҳорат-педагогик эътиқодларга таянган педагогик малакаларнинг юксак даражаси сифатида.

### **Педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

Педагогик маҳорат кўрсаткичлари тўғрисида умумий тушунчалар. Педагогик маҳорат кўрсаткичлари.

Педагогик йўналганлик. Инсоннинг ўз-ўзини мукамаллаштиришга интилиши, ўзгаларни тушунишга интилиш, ҳамкорликда ишни ташкил этишга қизиқиш, ўз-ўзини кўрсатишга интилиш.

Профессионал билимлар. Психология. Педагогика, муайян фан. Муайян фанни ўқитиш усулига билиш.

Педагогик қобилиятлар. Муомалалилик. Кузатувчанлик. Эмоционал барқарорлик. Прогноз қила олиш.

Педагогик техника. Нутқ техникаси. Пантомимика техникаси, ўз-ўзини созлай олиш техникаси. *Ташиқлотчилик техникаси, педагогик таъсир техникаси, контакт ўзаро таъсир техникаси.*

### **Дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш**

Дарсни лойиҳалаштириш. Дарсни лойиҳалаштиришда ўқувчиларнинг умумий хусусиятлари, ёш хусусиятлари, тайёргарлик даражасива қўйилган мақсадларни ҳисобга олиш.

Дарсга тайёргарлик кўришдаги 3 та босқич:

1. Дастурдаги материалларнинг таянч мавзулари бўйича олдиндан кенг миқёсдаги илмий тайёргарлик кўриш.
2. Мавзу бўйича режа тузиш.
3. Тескари алоқа (назорат) тамойилларини ишлаб чиқиш.

1-босқичнинг ўқитувчини ёзги таътилдаги бўш вақтларида олиб борилиши. 2-босқич мавзу ўтилишидан 1 ой олдин тузилиши. Ўқувчи эслаб қолиши ва билиши лозим бўлган қонунлар, қоидалар, формулалар, тарихий саналар ва воқеалар, номлар ва атамаларни белгилаш. Ўқувчи қандай кўникмаларга эга бўлишини (ўқув ва меҳнат кўникмалари) белгилаш. Олинган билим ва кўникмалардан қаерда ва қандай фойдаланишга ўрганиш.

3-босқичнинг асосий жорий ва умумлаштирувчи саволларини, назорат ва ёзма ишларни белгилаш. Уй вазифалари ва синфдан ташқари қўшимча ишларни белгилаш (махсус адабиётлар, конспектлар, докладлар).

Муайян дарс режасининг намунавий модели. Дарс режасини тузишда қуйидаги 5 та ҳолатга эътибор қаратиш зарурлиги:

1. Дарс мақсади ва вазифалари, ўқувчилар нималарни эслаб қолишлари, ўзлаштиришлари ва қандай кўникмаларга эга бўлишлари кераклигини белгилаш;
2. Дарс мавзуси ва уни баён этиш режасини белгилаш;
3. Сўров ўтказиш бўйича саволларни тузиш. Саволларни (вазифалар, топшириқлар, карточкалар) олдиндан белгилаб қўйиш ва уларнинг ечимлари вариантларини илова қилиш;
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун топшириқларни тайёрлаш;
5. Уйга вазифа, уни бажаришга кетадиган вақтни белгилаб қўйиш.

*Дарсни ташкил этиш. Дарсни ташкил этишда ўқувчилардаги индивидуаллик.*

Сўров, тушунтириш, мустақил иш, мустаҳкамлаш, уйга вазифага қанча вақт кетишини олдиндан тахминан белгилаш. Техник воситалар, ўқув қўлланма, дидактик материал карточкалардан қаерда, қандай фойдаланишни белгилаш.

### **Янги материални тушунтириш**

Янги материални тушунтиришнинг учта усули. Ахборот- репродуктив усул. Тушунтириш-репродуктив усули. Муаммоли таълим бериш.

Ахборот репродуктив усули ўзлаштиришнинг биринчи даражаси сифатида. Ўқитувчининг ўқувчиларга фактлар, қоидалар, қонунлар, воқеалар, асарлар мазмуни, биографик маълумотлар, саналар, формулалар, теоремалар тўғрисида маълумот бериши. Ўқувчининг вазифаси - фактик материални эслаб қолиш, уни тушуниш, қайтара олиш.

Ахборот-репродуктив усулда материални тушунтириш шакллари: ҳикоя, маъруза, дарслиқдан ўқиб бериш, асарлардан парчалар, предметлар, схема, расмлар, ўқув фильмларини намоёниш қилиш.

Тушунтириш-репродуктив усули. *Фактларни тушунтиришда уларнинг сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш.* Ўқувчиларнинг ўқитувчи тушунтираётган воқеани фақат тушунибгина қолмасдан, балки уларни тушунтира олиши, изоҳлаб, моҳиятини очиб бера олиши.

Тушунтиришнинг ўқувчилар дунёқараши, тафаккури ва оламга онгли муносабатини шакллантиришдаги ўрни.



Ўқувчилар тинглашини фаоллаштиришда муаммоли таълим.

Муаммоли таълимнинг характерли белгилари. Ўқитувчи томонидан исботланиши, ечилиши ва тушунтирилиши лозим бўлган муаммо (савол, ғоя, коида) нинг илгари сурилиши.

Ўқувчилар томонидан гипотезалар (тахминлар, ечимлар, ечиш усуллари) илгари сурилиши.

Гипотезаларнинг исботланиши ва асосланиши (тушунтирилиши, мисоллар келтирилиши, тажрибаларда кўрсатилиши, адабиётлар ўрганилиши, кўшимча материаллар ўрганилиши, теоремалар ва тадқиқот натижаларини жалб этилиши).

Муаммоли таълим усуллари.

Ўқитувчининг муаммони ўртага қўйиши ва уни ўзи ечиши. Ўқувчиларнинг бу жараённи кузатиб туриши ва унда қандайдир даражада иштирок этиши.

Ўқувчиларни муаммоли таълимдаги изланиш ишларига қисман жалб этиш. Изланиш ишларида қисман иштирок этиш фақатгина ўқувчилар фаоллигини оширмасдан, балки тафаккур билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириши ва керакли натижаларни таъминлаши.

*Изланишнинг тўлиқ мустақил усули.* Ўқувчининг бу жараёнда мустақил хулоса қилиши, таҳлил қилиши, ностандарт вазифаларни ечиши, тажрибалар ўтказиш асосида хулосалар қилиши, биринчи манбаларни, махсус адабиётларни ўрганиб, улар асосида маърузалар, тезислар, рефератлар тайёрлаши.

Ўқитувчининг бу жараёнда ташкилотчи сифатида иштирок этиши, ўқувчиларнинг мустақил ишлаши. Изланишнинг тўлиқ мустақил усулини ҳар доим қўллаш ножоизлиги. ИТМУ учун муайян тайёргарлик кўникмасига эга ўқувчилар, материалнинг мос келишлиги, база (приборлар, адабиётлар) талаб қилиниши.

### **Маъруза таркиби ва уни ўтказиш усуллари**

Маърузанинг китоблар, манбалар кам бўлган даврларда билим олишдаги етакчи усул бўлганлиги.

Маърузанинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Маърузада ўқитувчининг бир нечта ролларда чиқиши:

- олим сифатида, ҳодиса ва фактларни кўриб чиқувчи ва уларни таҳлил этувчи;
- педагог сифатида, дунёқараш, ишга муносабатни тарбияловчи ва ўқитишнинг замонавий усулларида фойдаланувчи;
- нотик сифатида, тингловчиларни тарғиб этувчи ва уларни ишонтирувчи;
- психолог сифатида, аудиториянинг бутун руҳиятини ва ҳар бир тингловчи руҳиятини ҳис эта олувчи.

*Маърузанинг функциялари.* Ахборот (ўқувчиларга зарурий маълумотлар бериш), рағбатлантириш (мавзуга қизиқиш уйғотиш, бошқа манбаларни ўрганишга чақириш), тарбиялаш ва ривожлантириш (ходисаларга баҳо бериш, тафаккурни ривожлантириш) функциялари.

Маърузанинг асосий жиҳатлари.

Ташкилий жиҳатлари. Соатлар миқдори, маъруза ва семинар машғулотлари нисбатини аниқлаш.

Дидактик жиҳатлари. Маъруза режасини ишлаб чиқиши, маъруза турини танлаш (кириш, обзор, муаммоли, умумлаштирувчи) кўргазмали воситалар намойиш этиш, аудитория даражасини ҳисобга олиш.

Услубий жиҳатлари. Алоҳида маърузаларни ишлаб чиқиш, ўқув ва тарбия вазифаларини қўйиш, конкрет материални танлаш, мантиқий аппаратни аниқлаш, экспериментни намойиш этиш услубини ишлаб чиқиш, кўргазмалилик, техник воситаларни қўллаш, амалиётдан фактлар киритиш, маърузанинг семинар ва амалий машғулотларда акс этишини ҳисобга олиш.

Маърузанинг таркибий қисмлари: кириш қисми, материални баён этиш, хулоса, саволларга жавоблар.

Кириш қисми. Мавзунини эълон қилиш, вазифаларни ифодалаш, муаммони қисқа тавсифлаш, саволлар ҳолатини ёритиш, маърузага доир адабиётларни айтиш, ўтган машғулотлар билан алоқасини кўрсатиш.

Материални баён қилиш. Фактларни таҳлил қилиш, зарур ахборотларни келтириш, шаклланган тажрибани таҳлил қилиш, маълумотларни қаердан излаш кераклиги тўғрисида ахборот бериш, ўз позициясини эътироф этиш, мавжуд амалиёт ва илмий тадқиқотларга баҳо бериш, амалиёт ва ҳаёт билан боғланишини кўрсатиш, ривожланиш истиқболларини очиқ бериш, ушбу масала бўйича илмий изланишларни кўрсатиш.

Хулоса қилиш. Асосий хулосаларни баён қилиш, келгусидаги мустақил ишларга доир услубий маслаҳатлар бериш.

Саволларга жавоб бериш.

Маъруза турлари ва уларни ўтказиш усуллари.

Маърузаларнинг типлари.

Умумий мақсадларга кўра: тарғибот, ташвиқот, тарбияловчи, ривожлантирувчи.

Мазмунига кўра: академик, оммавий.

Дидактик вазифаларига кўра: кириш, жорий, якуний-умумлаштирувчи, йўналиш берадиган ва таҳлилий.

Таъсир этишига кўра: ҳиссиётларга таъсир этиш даражасидаги, тушуниш даражасидаги, эътиқодлар даражасидаги.

Маърузани етказиб бериш шакли:

- товушларнинг ўрни;
- мимика ва қўшимча қўл ҳаракатлари;
- тайёргарлик кўриш (ойна ва магнитофон олдида) соатлар билан ўлчаган ҳолда, бутун мавзунини ёки унинг алоҳида қисмларини машқ қилиш.

Аудиторияни ташкил этиш.

Маърузани бошлаш: мавзунини эълон қилиш, маърузанинг аҳамиятини асослаб, мақсад ва вазифаларини аниқ ажратиб кўрсатиш, талабаларга мавзу, режа ва адабиётларни ёздириш. Маъруза ўқишда риоя этилиши лозим бўлган қоидалар. Режа бўйича ўқиш. Дарсликда яхши ёритилмаган қисмларни алоҳида ажратиб ёздириш, ҳар бир саволни интонация билан ажратиб кўрсатиш, ҳар бир саволда асосийларни (эслаб қолиш лозим бўлганларни), иккинчи даражалиларни (намойиш этиш учун), қизиқарли ва қизиқарли эмасларни (қизиқарли кўрсатиш), мураккаб ва оддийларни (аҳамият бериб кўрсатиш) ажратиб кўрсатиш, атамаларни аниқ талаффуз этиш ва доскага ёзиш, ҳар бир ҳақиқатни ҳар бир ўқувчига етиб боришига эришиш, аудитория муносабатини ҳис этиш ва тушуниш, маърузанинг ҳар бир кичик қисмидан сўнг иложи бориша тескари алоқа тамойилидан фойдаланиш.

### **Билимларни назорат қилиш усуллари**

Тескари алоқа тамойили-таълим жараёнидаги нозик жиҳатлардан бири сифатида. *Тескари алоқа (назорат) тамойилидаги муаммолар.* Сўров вақтида бутун гуруҳнинг самарадорлик (продуктив) билан ишлашини таъминлаш. Сўров ўтказилаётганганда талабанинг қўйилган масалага тўла жавоб беришига эришиш.

Сўров-ўзлаштирилган билимларни амалиётда биринчи бор текшириш усули сифатида. Сўровни бевосита ўқитиш жараёнида ўтказишга эришиш. Сўровни назорат мақсадида эмас, балки керакли кўникмаларни ва янги билимларни эгаллашдаги мустақил иш сифатида ўтказиш. Мустақил иш сифатида ўтказилган сўровнинг талабалар мустақиллигини ривожлантириши, олинган билимларини мустаҳкамлаши, таълим жараёнини фаоллаштириши.

Билимларнинг тўпланишига кўра сўров миқёсининг кенгайиб бориши, яъни сўровнинг фундаменталлашиб, асослироқ бўла бориши. Сўров жараёнида талабалар шахсий мулоҳазаларини инобатга олиш.

Тескари алоқани амалга ошириш йўналишлари: материални тушунтириш вақтида, боблар ва кичик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг.

Материални ўзлаштириш бўйича якуний текшириш (боблар, қисмлар, чораклар, ярим йиллик, йиллик бўйича).

Сўров усуллари: индивидуал сўров, оммавий сўров, аралаш сўров, ёзма назорат ишлари.

Индивидуал сўров. Афзалликлари: Бутун гуруҳ ва ўқитувчи бир кишини тинглаши, жавоб оғзаки, тўлиқ, мустақил бўлиши. Жавобни баҳолашни одатда хатосиз бўлиши. Бутун жавоб сифатининг (фактик материални билиши, баён этишда мантиқий изчиллик, ифодалилиқ, тил аниқлиги) баҳоланиши. Камчиликлари: бир вақтда битта талаба жавоб бера олиши, битта дарсда кўпчилик талабани сўраб бўлмаслиги, режалар ва тезислар тузишни текшириб бўлмаслиги, вазифаларни ечиш ва амалий бажаришни текшириб бўлмаслиги, энг қийини барча талабаларни бир вақтда жалб этиш имкони йўқлиги.

*Индивидуал сўров ўтказишда бутун гуруҳни жалб этиш усуллари:*

1. биринчи усул-савол қўйилиши ва барча талабаларга жавоб вариантини ёки вазифани ечиш таклиф этилиши. Сўнгра битта талаба чақириб сўралади, қолганлари эса режа бўйича кузатадилар ва ўз хатоларини тўғрилаб, камчиликларини тўлдирадилар;
2. иккинчи усул-талабага савол баён этилиб, ўйлашга вақт берилиши. Сўнгра битта талабанинг жавоб бериши. Талабаларга хато ва камчиликларни дафтарда белгилаб бориш таклиф этилиши.

Оммавий сўров. Дарсдаги назорат сўрови, ўқув материални ўзлаштириш даражасини текшириш, ҳар бир жавобга баҳо қўйилиши. Оммавий сўровни ўта аниқликда, изчилликда ўтказиш.

Афзалликлари: текширишда кўп талабаларни қамраб олиш мумкинлиги, қисқа ва аниқ жавоб бериш кўникмасини шакллантириш, мавзунинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилиши ва уларни эслаб қолишнинг ривожланиши, мавзу бўйича саволларга режа бўйича тўла жавоб беришга ўрганиш, талаба диққатининг бир жойга жамланиши.

Камчиликлари: жавобларнинг жуда қисқалиги, батафсил жавоб бериш кўникмасини ривожлантирмаслиги, қийин саволларга жавоб беришда бир фикрдан иккинчисига ўтиш кўникмаси шаклландирмаслиги, талаба билимининг қанчалик чуқурлигини кўрсатмаслиги, мантиқий ва нутқ маданиятини етарлича ривожлантирмаслиги.

Аралаш сўровнинг моҳияти. Бир вақтда 3-4 та талабанинг чақирилиши. Биттасини оғзаки жавоб бериши, қолганлари доскада ёки ўтириб ёзма жавоб бериши.

Афзалликлари. 20-25 минутда 5-10 кишидан сўров ўтказиш имконини бериши. Кисқа вақтда бутун боб бўйича кўпчиликнинг билимини текшириш имконини бериши.

Камчиликлари. Бир вақтда бир нечта талаба сўров ўтказиш учун чақирилади, қолганлари эса гўёки четда қолади. Ўқитувчи бир вақтда ҳам жавоб берадиганларни, ҳам бутун гуруҳни кузатиб туришига тўғри келади. Саволларга жавоб бериш бир текисда бормайди.

Ёзма назорат ишларининг моҳияти ва мақсади. Бутун гуруҳ билимларини мазкур мавзу бўйича текшириш имконини бериши, талабаларнинг системали ҳолда узлуксиз ишлаши рағбатлантирилиши, материални ёзма ҳолда қисқа баён этиш кўникмаларининг шакллантирилиши.

Тескари алоқада тест усули ва бошқа ёрдамчи усуллар.

Талабалар жавоблари устида ишлаш усуллари. Ўқитувчининг ўзи намуна сифатида қўйилган саволга тўла жавоб бериши, талабаларнинг буни дарҳол такрорлаши, баъзи ҳолларда саволга жавоб беришда дарслик, дафтар ва ўқув кўлланмаларидан фойдаланишга рухсат бериш. Талаба жавобидан сўнг уни батафсил таҳлил этиш, қўшимчалар қилиш, тилдаги ва баён этишдаги мантиқий хатоларни тузатиш, у ёки бу саволга тез-тез қисқа ёзма жавоблар ёздириш, талабанинг жавобини қисқача таҳлил қилиш.

Системали назорат қилиш мақсадида мавзулар бўйича жавоблар ҳисобини олиб бориш. Ҳар бир мавзу бўйича махсус текширишнинг қўшимча вақт талаб қилиши. Кўп вақт сарфини талаб қилмайдиган, аралаш усуллардан фойдаланиш техникаси.

Ҳар бир мавзудан сўнг назорат ишлари ёки умумлаштирувчи сўровлар ўтказиш. Мавзу бўйича хато ва камчиликлар тугатилмагунча қайта текшириш.

Текширишнинг энг оддий ва самарали усуллари-талабалар дафтарини аудиторияда текшириш, бу вақтда уларнинг бошқа топшириқларни бажариши:

- ўзаро текшириш (талабалар бир-бирининг дафтарини текширишади, иложи бўлса аноним ҳолда);
- дарсгача ассистентлар томонидан текшириш;
- дарсдан сўнг танлаб ёки ҳаммасини текшириш;
- сўров вақтида уй ишини текшириш, бунда ўқувчилар дафтарини доскага олиб чиқишади.

## **Мустақил ишлашга ва билишга ўргатиш усуллари**

Мустақил ишлашнинг моҳияти. Мустақил ишлашнинг мақсадлар қўйилиши ва режалаштиришга кўра турлари:

- ўқитувчи ёрдамида мақсадларнинг қўйилиши ва режалаштирилиши;
- ўқитувчи ёрдамида мақсаднинг қўйилиши, ишни режалаштириш талаба томонидан мустақил амалга оширилиши;
- ўқиувчи томонидан берилган топшириқлар асосида талаба томонидан мақсаднинг мустақил қўйилиши ва мустақил режалаштирилиши;
- иш талаба томонидан ўз ташаббусига кўра амалга оширилади, ўқитувчи ёрдамисиз, талаба томонидан мустақил ҳолда ишнинг мазмуни, мақсади ва иш режаси қўйилади ва амалга оширилади.

Намуналар асосидаги мустақил ишлар. Вазифани ечишдаги маълум бир усулни ўхшаш вазиятда бир предмет доирасида қўллаш.

*Намуналар асосида мустақил ишни бажаришда вазифани ечишнинг маълум бир усулини ўхшаш вазиятда предметлараро доирада қўллаш.*

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар. Вазифани ечишнинг маълум бир усули модификациясини биров ўзгартирган ҳолда, ностандарт вазиятда бир предмет ёки предметлараро доирада қўллаш.

Бир предмет ёки предметлараро доирадаги изланиш ишлари.

Реконструктив-вариатив мустақил ишларнинг хусусиятлари. Ностандарт вазиятни таҳлил қилиш. Ушбу вазиятларда юзага келган ўқув муаммоларининг характерли белгиларини аниқлаш. Ушбу муаммоларни ечиш усулларини излаш. Аниқланган ечимлардан энг оқилонасини танлаш ва уни мазкур вазият шарт-шароитларига мувофиқ ҳолда модификациялаш.

Мустақил ишлашни ташкил этиш усуллари.

Янги материални ўзлаштириш жараёнида мустақил ишлашга жалб этиш. Дарснинг таркибий қисми сифатидаги мустақил иш. Мустақил ишлашни ташкил этишда ўйинлардан фойдаланиш. Талабаларнинг яқка таркибдаги меҳнатига бағишланган мустақил ишлар: такрорлаш, билимлар, кўникма ва малакаларни текширишга қаратилган мустақил ишлар.

## **Уйга вазифалар ва қўшимча мавзуларни ўрганиш**

Уйга вазифалар беришда уларнинг ҳажмини ва бажаришга кетадиган вақтни ҳисобга олиш.

*Дарс режасида уйга вазифани бажаришга қанча вақт этишини кўрсатиш.*

Уйга вазифаларни ўқитувчи ёки ташаббускор, фаол талабалар ёрдамида фаол текшириб бориш.

Баҳс-мунозара ва диспутлар жараёнида талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарс самарадорлиги ва ноанъанавий дарслар.

Оғзаки журнал. Талабалар машҳур иқтисодчилар биографияси ва ижоди тўғрисида маъруза тайёрлашади ва сўзлаб беришади. Талаба ва талабалар гуруҳидан олинган эксперт гуруҳи саволлар бериб аниқлаштиради.

Рефератлар химояси. Алоҳида саволлар бўйича талабалар реферат тайёрлашади, ва муаллиф оппонентлар саволларига жавоб беради.

Сиртдан саёҳат дарслари. Экскурсия дарслари. Ижодий ҳисобот дарслари.

### **Таълим жараёнидаги тарбиявий ишларга индивидуал ёндашиш**

Талабалар билан индивидуал иш олиб боришнинг моҳияти.

Педагоглар муваффақиятсизлиги кўпчилик ҳолларда ўқувчилар руҳий оламига кира олмаслик, киришни ҳоҳламаслик билан боғлиқлиги.

Индивидуал ёндашишда кенг тарқалган хатолар:

1. биринчи хато-талаба оиласининг, уйдаги тарбиянинг хусусияларини ҳисобга олмаслик;
2. иккинчи хато-талабалар руҳий хусусиятлари, қизиқишлари, характери, темпераменти, диққати, одатларини ҳисобга олмаслик;
3. учинчи хато-талабалар хато қилганда, сабабларини суриштирмасдан жазоликлик, чидамсизлик ва кескинликка йўл қўйиш;
4. тўртинчи хато-тарбиявий ишларга расмиятчилик билан юзаки ёндашиш, ўқитувчи ҳатти-ҳаракатларида мувофиқликни йўқлиги, умумий гаплар билан чекланиш.

Талабаларни тарбиялашда меҳрибонлик, кўнгиллилик, қатъиятлилик ва талабчанлик.

*Шафқатсизлик, ёмонлик, кўнгилчанлик, ўта юмшоқлик, эркатойлик билан тарбиялаб бўлмаслик.*

Педагогик таъсир усуллари.

Ишонтириш, ўргатиш (тўғри ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишни, масалан, уй ишини бажариш, муайян кўникмаларга ўргатиш), буюриш (тўғридан-тўғри талаб, кўрсатма бериш), рағбатлантириш, жазолаш. Жазолаш турлари: огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, мажлисда муҳокама қилиш, ота-оналарини чақириш, педагогик кенгашга чақириш ва ҳоказо.

*"Микрореакция"-усули ўқувчи ёки синфнинг у ёки бу қилигига тезкор таъсир, бевосита таъсир кўрсатиши усули. Ўқитувчининг нотўғри реакциясининг талабани дарсдан чалғитиши, ҳаттоки дарсни бузиши. Кўпчилик низоларнинг келиб чиқишида ўқитувчиларнинг асосий рол ўйнаши тўғрисида психологларнинг фикри. Ўткир низоли вазиятларда кескин ҳаракат қилмасдан, талабани дарсдан чалғитмасдан хатосини тузатишга кўмаклашиш. Дарсдан сўнг индивидуал суҳбатлашиш.*

"Тартиб-қоидалар" усули. Дарс жараёнида одатдаги усуллар таъсир қилмайдиган, тарбияси қийинроқ талабаларни аниқлаш. Уларни шахсий шароитларини чуқур ўрганиш. Уларни ерга урмасдан, нафсониятига тегмасдан предметни ўзлаштира олишига ишонтариб, ёрдам кўрсатиш. "Тартиб-қоидаларни" бузувчи талабаларга дарсда қўйилган талабларни тушунтириш ва уларни кўпроқ дарс жараёнида фаол машғулотлар ва машқлар билан банд этиш.

Дангаса талабаларни аниқлаш ва уларни мунтазам назорат қилиш усуллари.

### **Педагогик маҳоратни эгаллашнинг баъзи бир жиҳатлари**

Педагогик маҳоратнинг илмий асосланган объектив кўрсаткичлари.

*Хақиқатда истеъдодли ўқитувчиларнинг 12% га яқинни, маҳоратли ўқитувчиларнинг 67% ни ташкил этиши. (Н.Т. Кузьмина тадқиқотлари натижаси).*

Педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларнинг педагогик сифатлари: ўқув материалларини осон тушунтириш қобилияти, таълим усулларини ижодий қўллаш, талабаларга иродавий таъсир кўрсатиш, талабалар жамоасини ташкил эта олиш қобилияти, талабаларга қизиқиш, нутқнинг ёрқинлиги, ҳаёт билан боғлаш, педагогик талабчанлик, синфдан ташқарида ишлаш қобилияти.

Қўшимча шахсий сифатлар: интизомлилик, қизиқувчанлик, меҳнатсеварлик, ўз-ўзини бошқариш, фаоллик, қатъиятлилик, эмоционаллик, юксак ахлоқийлик.

Бу сифатларни ўқитувчи характерида шакллантириш ва уларни узвий эгаллаш.

Талабаларнинг ўқитувчиларда кадрлайдиган сифатларини билиш бўйича социологик сўров ўтказиш.

Ўқув юртидаги иш вақти. Ўқув юртидан ташқаридаги иш вақти. Бўш вақти. Транспорт, йўл, спорт ва маданий эҳтиёжларни қондириш, дам олиш ва уйқу.

Ақлий меҳнат физиологияси ва гигиенаси қонунларига риоя қилиш. Ортикча зўриқиш хавфлилиги, ўқитувчи фаолиятининг кучли эмоционал ҳолатлар ва асаб зўриқишлари билан боғлиқлиги.

Овқатланиш менюсининг хилма-хиллиги, айниқса В<sub>1</sub>, В<sub>12</sub> витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш. Фаол дам олишнинг муҳимлиги.



Машғулотларга олдиндан тайёргарлик кўриш ва пакетлар (папка, карточкалар тўплами, конвертлар ва ҳ. к.) юритиш.

Биринчи пакет-конкрет материалларни тўплаб бориш. Ҳар бир мавзуга оид папка ва конвертлар тутиш ва уни доимо тўлдириб бориш.

Иккинчи пакет-библиография, карточкаларни аниқ ва мунтазам тўлдириб бориш.

Учинчи пакет-мавзулар бўйича режалаштириш ва услубий қўлланмалар тузиш, турли услубий қўлланмалардан қизиқарли кўчирмалар олиш.

Тўртинчи пакет-дарс бўйича режалаштириш, дидактик материаллар тўплаб бориш.

Бешинчи пакет-маънавий-маърифий ишлар бўйича материаллар тўплаб бориш, тарбиявий ишлар бўйича адабиётлар рўйхатини йиғиб бориш.

### **3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ**

#### **Педагогик маҳорат фан ва санъат сифатида**

Педагогик маҳорат омиллари. Педагог маҳоратнинг назарий асослари.\* Иқтисодиёт фанларида педагогик маҳорат. Педагогик маҳорат фан ва санъат сифатида.

#### **Педагогик маҳорат тарихидаги йўналишлар**

Илк тарихдаги йўналишлар. IX-XIV асрда Марказий Осиёда педагогик маҳоратини ривожлантириш.\* XIX-XX аср бошларида жаҳонда педагогик санъати. Янги давр ва XX аср бошларида ва иккинчи ярмидан сўнг педагоглар маҳоратига оид қарашларнинг ривожланиши.

#### **Педагогик маҳоратнинг психологик асослари**

Ўқитувчининг психологик тайёргарлиги. ОНФ да ўзаро индукция қонуни. Динамик стереотип қонуни.\*

#### **Репродуктив ва продуктив билиш жараёнлари**

Репродуктив билишнинг афзалликлари ва камчиликлари. Продуктив (прогноз) билишнинг афзалликлари ва камчиликлари.\* Прогноз коэффициенти.

#### **Ёш даврлари хусусиятлари**

Аристотель, Я.А.Коменский, Ж.Ж.Руссо, А.Дистерверг, К.Д.Ушинскийларнинг ёш даврларига таснифи. Ёш даврларнинг замонавий таснифлари.\*

#### **Педагогнинг профессионал позицияси**

Профессионал позиция турлари ва хусусиялари.\* Педагогнинг ишчанлик ва шахсий сифатларга қўйиладиган талаблар.

### **Педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

Педагогик йўналганлик.\* Профессионал билимлар. Педагогик қобилиятлар. Педагогик техника. Маҳорат кўрсаткичларини эгаллаш кўникмаларини шакллантириш.

### **Дарсга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш**

Лойиҳалаштириш. Лойиҳалаштириш омиллари. Дарсга тайёргарлик кўриш босқичлари ва хусусиятлари.\* Дарс режасининг намунавий модели.

### **Янги мавзуни тушунтириш**

Мавзуни тушунтиришдаги анъанавий усулнинг хусусиятлари афзалликлари, камчиликлари. Муаммоли таълим хусусиятлари.\* Муаммоли таълим усуллари. Материални тушунтириш усуллари.

### **Маъруза дарсларини ўтиш техникаси**

Маърузада ўқитувчининг роллари. Маърузанинг функциялари. Маърузанинг ташкилий, дидактик, услубий жиҳатлари.\* Маърузанинг таркибий қисмлари. Маърузаларнинг типлари. Маърузани амалга ошириш.

### **Билимларни баҳолаш ва мониторинг**

Сўров баҳолаш усули сифатида. Сўровни ўтказиш техникаси. Сўров усуллари. Индивидуал, оммавий, аралаш сўровлар, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари.\*

Ўзма назорат иши. Афзаллиги ва камчиликлари. Тестлар усули. Афзаллиги ва камчиликлари. Ўқувчилари жавоблари устида ишлаш.

### **Мустақил ишлаш**

Мустақил ишлаш турлари. Намуналар ва реконструктив вариатив мустақил ишлар.\* Мустақил ишлашни ташкил этиш усуллари.

### **Уйга вазифаларни ўрганиш ва ноанъанавий дарслар**

Уйга вазифалар беришда бажарилиш вақтини ҳисобга олиш.\* Уйга вазифаларни текшириш усуллари.

Ноанъанавий дарслар. Оғзаки журнал. Рефератлар ҳимояси. Саёҳат, экскурсия ва ижодий ҳисобот дарслари.

## **Таълим жараёнида тарбиявий ишларни ташкил этиш маҳорати**

Талабаларга индивидуал ёндошишда кенг тарқалган хатолар.\* Талабаларни тарбиялашдаги ижобий ва салбий хислатлар. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари. Микрореакция ва тартиб-қоидалар усули.

### **Педагогик маҳорат хислатлари**

Педагогик маҳоратига кўра ўқитувчиларнинг тоифаларга бўлиниши. Педагогик маҳоратдаги ижобий педагогик сифатлар. Бу сифатларни эгаллаш кўникмалари.\* Ўқитувчиларда талабалар қадрлайдиган сифатлар.

Ўқитувчи вақтининг тақсимоти ва иш вақти таркиби. Ўқитувчи меҳнати физиологияси ва гигиенаси.

Дарсларга материаллар тўплаб бориш ва уларни тизимлашган ҳолда тартибга солиш.

## **4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР**

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- Педагогик маҳоратнинг илм-фан амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи схематик плакат.
- Педагогик маҳоратнинг илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакат.
- Таълим мазмунини ташкил қилувчи таълим тамойиллари кўрсатилган кўргазмали плакат.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади).

Дидактик материаллар рўйхати; мультмедиа иловалар.

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ**

### **Назорат турлари:**

*жорий баҳолаш учун:*

- семинарнинг машғулот саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

*оралиқ баҳолаш учун:*

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида якуний баҳолаш учун фаол саволлар ва жавоблар билан қатнашиш.

Кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига 1200 сўз миқдоридаги "ёзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Аминов Н. А. Диагностика педагогических способностей.-М.: Ин-т. Практической психологии. Воронеж. НПО МОДЭК, 1997.
13. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
15. Пидкасистый Л. И. , Портнов М. Л. Искусство преподавания. Первая книга учителя. –М.: Изд. Российское педагогическое агентство, 1998.
16. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы.-М.: 1999.

## Кўшимча адабиётлар

1. Ахлидинов Р. Ш. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиски, решения. -Т.: 1999.
2. Беспалько Б. Слагаемые педагогической технологии.-М.: Педагогика, 1999.
3. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
4. Зиверт Х. Зиверт Р. Подготовка к тестированию. Пер. с нем. –М.: АО Интер-эксперт, 1998.
5. Ливер Бетти Лу. Обучение всего класса. Перев. с англ. М.: 1995.
6. Мавлонова Р, Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
7. Основы профессиональной педагогики, -М.: 1997.
8. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий тахрири) -Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. -М.: 1999.
10. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.: Профессиональное образование, 1997.
11. Психология и педагогика / Под ред. А.А. Радугина-М.: Центр,1999.
12. Психология и педагогика: учебное пособие. /Под ред. В.М.Николаенко-МИФРА/-М.: Новосибирск, 1999.
13. Равен Джон-младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.
14. Стефановская Т. А. Педагогика: наука и искусство. Учебное пособие.-М.: Совершенство, 1998.
15. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
16. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт Петербург, 1996.
17. Слостенин В.А., Л.С.Подмова, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
18. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумабаева. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т.: 2002.
19. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.
20. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумабаева. Современные усулы преподавания в вузах. -Т.: 2001.